



Савол. Мусулмонлар икра ейиши мумкинми?

Жавоб. Олдин шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳалол ва ҳаром нима эканлигини билиш мусулмон киши билиши лозим бўлган биринчи галдаги билимлардан ҳисобланади. Каъб ибн Ужра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам айтдилар: «Эй Каъб ибн Ужра, ноҳак – ҳаромдан ўсган гўшт (жасад) жаннатга қирмайди» (Ибн Хиббон ривояти).

Шариат тирик ва ўлик ҳайвонлар ўртасида аниқ чегара тортади. Ўлимтақ гўшт инсон учун катъиян ман этилади. Бундан ташқари, одамларга чўчка, ит, мушук ва йирткичларни ейиш тақиқланган. Аммо тўрт мазҳабнинг ҳар бири ўз тамойиллари ва нозик жихатлари

борлигини таъкидлаш мухимдир. Ханафий мазхабга кўра, сувда тугилиб яшайдиган хайвонлар харомдир, факат балик истиснодир. Баликларнинг барча турлари халолдир, факат ташки сабабсиз денгизда табиий холда вафот этган балик харом.

Жобир ибн Абдуллох розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят килади: “Денгиз (сохилга) чикариб ташлаган ёки ундан сув пасайганларини еяверинглар. Аммо унда ўлган ва сув юзига калкиб чикканини еманглар” (Абу Довуд, Ибн Можа ва Доракутний ривояти)

Шундай килиб, хулоса чикариш мумкинки, мусулмонларга барча денгиз жонворларидан факат баликни истеъмол килиш рухсат этилган, демак, балик икрасини хам ейиш мумкин. Бундан ташкари, хайвонларни шариат бўйича сўйишнинг барча коидаларига риоя килмасдан балик ейишга рухсат этилади.